
Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 19 апрель (инфографика)

April 19, 2020

Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 19 апрель (инфографика)

Инфографика: «Xabar.uz»

Бугун, **19 апрель** — мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганининг **36-куни**.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган [маълумотга кўра](#), 18 апрель соат 23:00 ҳолатига, мамлакатимизда COVID-19ни юқтирганлар жами сони **1490** нафарга етди: **194** нафар бемор соғайиб кетган, **5** нафари вафот этган.

*18 апрель санасида Ўзбекистонда коронавирусни юқтирганлар сони **85** нафарга кўпайди.*

«Worldometers» [маълумотларига кўра](#), коронавирус энг кўп тарқаган мамлакатлар — АҚШ (728,9 минг), Испания (191,7 минг), Италия (175,9 минг), Франция (147,9 минг), Германия (142,7 минг) ва Буюк Британия (114,2 минг).

Айни пайтда дунё бўйича коронавирус аниқланган инсонлар жами сони **2.308.093** нафарга етди, шундан **158.871** нафари вафот этган, **590.392** нафар бемор соғайиб кетган.

Дунёнинг **185** мамлакати ва ҳудудида коронавирус мавжуд.

Эслатма: айрим рақамлар сониясига янгиланиб турган глобал манбалардагидан фарқланиши мумкин — коронавирус жуда тез тарқамоқда.

2020-04-19 07:18:48